

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил “19” августдаги  
баёнига илова

**Халқаро хунармандчилик фестивали доирасида  
ўтказиладиган кўрик-танлов тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу низом Халқаро хунармандчилик фестивали доирасида ўтказиладиган кўрик-танловнинг асосий мақсадини, шартларини, шунингдек, голибларни аниқлаш ва мукофотлаш тартибини белгилайди.

2. Кўрик-танловда хунармандчилик билан мунтазам шуғулланиб келган, республика миқёсида намунавий хунарманд сифатида ўзини намоён этган, илфор натижаларга эришган, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада мустаҳкамлашга, импорт ўрнини босувчи ва экспертбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, худудларни ижтимоий-иктисодий ривожланишишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган хунармандчилик мактаби усталари, қадимий сулола давомчилари, хунармандчиликнинг қадимий турларини тиклаган, Ўзбекистон Республикаси “Хунарманд” ўюшмаси аъзоси бўлган хунармандлар ҳамда ўз мамлакатида хунармандчилик соҳасида маълум мувваффакиятларга эришган, юқори малакага эга бўлган, тегишли тартибда фестивалда қатнашиш истагини билдирган хорижий давлатлар хунармандлари иштирок этишлари мумкин.

**2-боб. Кўрик-танловнинг асосий мақсади**

3. Кўрик-танловнинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

Бой тарихий ва маданий анъаналарга эга бўлган халқлар турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш;

ўзига хос хунармандчилик анъаналарини намойиш этиш;

халқлар ўртасида хунармандчилик соҳаларида ўзаро тажриба алмашиш, дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш;

дунё халқларининг бой амалий санъат ва хунармандчилик анъаналарининг умумжаҳон тамаддунидаги ўрнини эътироф этиш ва ўзаро муштарак жиҳатларини улуғлаш;

ёшлар қалбида миллий ифтихор туйғуларини камол топтириш;  
хунармандчилик билан шуғулланиб келаётган хунармандларни қўллаб-куватлаш, хунармандчиликнинг жадал ривожланишини рағбатлантирувчи мухитни яратиш, мамлакат иқтисодиёти хусусий секторида хунармандлар улуши ва аҳамиятини ошириш;

хунармандчилик билан шуғулланувчи тадбиркорларнинг қасбий маҳорати ва билим даражасини ошириш учун зарур шарт-шароит яратиш;

тажрибали хунармандлар фаолиятидаги илфор тажрибаларни оммалаштириш;

хунармандлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни реклама қилишга ҳамда уларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларига кўмаклашиш;

ёшларни хунармандчиликка қизиктириш, ўз тенгдошларига ўрнак бўлаётган ёш хунармандларни рағбатлантириш;

хунармандчиликнинг ноёб ва йўқолиб кетган турларини қайта тиклаш;

хунармандчилик маҳсулотлари турларини кўпайтириш;

экспортбоп хунармандчилик маҳсулотларини яратиш.

### **3-боб. Кўрик-танловда иштирок этиш шартлари ва тартиби**

4. Фестивалда иштирок этишни истаган хорижий ёки маҳаллий хунармандлар фестивалнинг “[www.handicrafters.uz](http://www.handicrafters.uz)” сайти орқали белгиланган муддатда онлайн ариза топширади ва 3 дона 6x9 ўлчамдаги ронгли фотосурати, иш жараёни акс этган видео ва ўзи томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 10 донадан кам бўлмаган фотосуратларини тақдим этади.

5. Онлайн аризада иштирокчи ҳақидаги кўйидаги маълумотлар акс эттирилиши лозим:

исми, фамилияси, отасининг исми, яшаш манзили, фаолияти ва хунар тури ҳақида қисқача маълумот, эришган муваффақиятлари.

6. Маълумотларни тақдим этиш муддати якунланган кундан бошлаб, хужжатлар ва аризалар Ташкилий қўмита тасдиқлаган ишчи гуруҳ томонидан уч иш куни давомида ўрганиб чиқиласди.

7. Кўйидагилар кўрик-танловда қатнашишни рад этиш учун асос бўлади:

Ушбу низомнинг 3-бобида кўрсатилган хужжатларни тўлиқ тақдим этмаслик;

Кўрик-танловда қатнашиш учун маълумотларни тақдим этиш муддатидан кечиқтириб тақдим қилиш.

8. Ташкилий қўмита тақдим этилган маълумотларни кўриб чиқиш муддати якунланган кундан бошлаб бир иш кунида кўрик-танлов мурожаатчиларига ижобий ёки рад жавобини ёзма равишда тақдим этади.

### **4-боб. Халқаро ҳайъат фаолиятини ташкил этиш**

9. Халқаро ҳайъат фаолиятини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги 960-сон қарори билан тасдиқланган “Халқаро хунармандчилик фестивалини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 3-боби талабларига мувофиқ амалга оширилади.

### **5-боб. Кўрик-танлов иштирокчиларини баҳолаш тартиби**

10. Кўрик-танлов иштирокчиларини баллик тизимда баҳолаш тартиби Халқаро ҳакамлар ҳайъати томонидан ҳайъат аъзоларининг тавсияларига асосан ишлаб чиқиласди ҳамда Халқаро ҳакамлар ҳайъати йиғилиш қарори билан тасдиқланади.

11. Кўйидагилар кўрик-танлов иштирокчиларининг маҳоратларини баҳолашда асосий мезонлар этиб белгиланади:

хунармандчилик маҳсулотларининг анъанавий миллий хусусиятлари;

хунармандчилик йўналишишининг жозибаси ва таровати, ўзига хос услуг ва мактабга эгалиги;

хунармандчилик маҳсулотининг анъанавийлиги, тарихий илдизга эга эканлиги ҳамда ўз аҳамиятини йўқотмаганлиги;

маҳсулотнинг табиий хомашёдан тайёрланганлиги ва экологик тозалиги;

маҳсулотларни тайёрлаш технологияси ҳамда безакларида замонавий инновацион услуг ва тарихий анъаналарнинг уйғунлашуви;

маҳсулот сифатли материаллардан тайёрланганлиги ва юқори стандартларга жавоб бериши;

маҳсулотнинг ўзига хослиги ва янгилиги;

ўз йўналишида алоҳида мактаб яратганлиги;

уста-шогирд мактаби анъаналари асосида ёшларга хунар сирларини ўргатганлиги ва шогирдлар тайёрлаганлиги;

аждодларидан қолган хунар тури анъаналарни сақлаган ҳолда давом эттираётган сулола давомчиси эканлиги.

#### **6-боб. Кўрик-танлов иштирокчиларини мукофотлаш тартиби**

12. Кўрик-танлов иштирокчиларини мукофотлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги 960-сон қарори билан тасдиқланган “Халқаро хунармандчилик фестивалини ўтказиш тартиби тўғрисида”и Низомнинг 4-боби талабларига мувофиқ амалга оширилади.

#### **7-боб. Кўрик-танловни ўтказиш муддати ва ғолибларни аниқлаш**

13. Халқаро хунармандчилик фестивали доирасида ўтказиладиган кўрик-танлов беш кун муддатда ўтказилади.

14. Кўрик-танловнинг номинациялар бўйича ғолиблари Халқаро ҳакамлар хайъати қарорига кўра аниқланади.

15. Кўрик-танлов ташкилий қўмитаси ҳакамлар хайъатининг иш фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди, шунингдек ташкилий қўмита томонидан ҳакамлар хайъатининг якуний қарори муҳокама қилинмайди.

#### **8-боб. Якунловчи қоида**

16. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.